

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRINING BUYRUGI

81 Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2352, 2012 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси (Д. Каландаров) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Огай) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 22 февраль,
40-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2016 йил 22 февралдаги
40-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий
давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник
жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш
тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 5¹ ва 5²-бандлар билан тўлдирилсин:

«5¹. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан тасдиқланадиган режа-график асосида амалга оширилади. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам режа-график асосида амалга оширилиши мумкин.

5². Лойиҳаларни ишлаб чиқиш режа-графиғи тўртта графадан иборат (мазкур Услубий кўрсатмаларга 1-илова):

тартиб рақами;
чора-тадбирлар;
ижро муддати;
масъул ижрочилар.»

2. 106-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«106. Агар ишлаб чиқиляётган лойиҳа билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляётган бўлса, ишлаб чиқувчи томонидан унинг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) имзолайдиган таққослаш жадвали тайёрланади.»

3. 107-банднинг биринчи хатбошисидаги «1» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.

4. 107¹-банднинг биринчи хатбошисидаги «тахлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт (мазкур Услубий қўлланмаларга 1а ва 1б-иловалар)» деган сўзлар «ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган тахлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт (мазкур Услубий кўрсатмаларга 3 ва 4-иловалар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 108-банднинг биринчи хатбошисидаги «2» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин.

6. 1, 1а, 1б ва 2-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга 1, 2, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга 5-иловага мувофиқ 5-илова билан тўлдирилсин.

8. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий
экспертиза ва халқаро шартномалар
бошқармаси бошлиғи*

Н. ТОЙЧИЕВ

2016 йил 18 февраль

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга
1-ИЛОВА

НАМУНА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
(ишлаб чиқувчи раҳбарининг лавозими)

(имзо)

_____ (ишлаб чиқувчи
раҳбарининг Ф.И.О.)
20__ йил «__» _____

«_____» ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш
РЕЖА-ГРАФИГИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳига киритиш учун номзодлар тақдим этиш тўғрисида хат юбориш (<i>зарурат бўлганда</i>).	20__ йил _____	Ишлаб чиқувчининг раҳбарияти
2.	Ишчи гуруҳини тузиш бўйича ишлаб чиқувчи биринчи раҳбарининг буйруғини қабул қилиш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси</i>).	20__ йил _____	Ишлаб чиқувчининг раҳбари

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ишчи гуруҳининг биринчи йиғилишини ўтказиш тўғрисида хат юбориш (<i>зарурат бўлганда</i>). Ишчи гуруҳининг биринчи йиғилишини ўтказиш (ишни ташкиллаштириш ва режалаштириш, вазифаларни тақсимлаш ва бошқ.).	20__ йил ____	Ишлаб чиқувчининг раҳбарияти
4.	Қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қонун лойиҳасини тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганиш. Ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлаш. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси</i>).	20__ йил ____	Ф.И.О.
5.	Тайёрланган маълумотлар асосида қонун лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқувчининг раҳбари томонидан маъқуллаш (<i>мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 15 — 17-бандлари</i>).	20__ йил ____	Ф.И.О.
6.	а) қонун лойиҳаси; б) қонун лойиҳасига бошқа зарур маълумотлар: тушунтириш хати; халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидалари ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда қиёсий жадвал; таққослаш жадвали — қонун ҳужжатларига ёки уларнинг қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ёки уларнинг қисмларини ўз кучини йўқотган деб топиш назарда тутилган қонун лойиҳаси учун; моддий харажатлар талаб қилинадиган қонунлар лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш (<i>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2015 йил 15 сентябрдаги 220–III/КҚ–41–III-сон Қўшма қарори билан тасдиқланган Қонун лойиҳаси тайёрланаётганда халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари қоидаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш услубиёти, мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 8-банди</i>).	20__ йил ____	Ф.И.О.
7.	Қонун лойиҳасини иқтисодий, молиявий, илмий ва бошқа турдаги экспертизалардан ўтказиш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси</i>). Қонун лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси</i>).	20__ йил ____	Ф.И.О. Ишлаб чиқувчининг юридик хизмати

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.	Қонун лойиҳасини ва у бўйича маълумотларни манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга дастлабки келишиш учун юбориш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»</i> ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ <i>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади</i>).	20__ йил ____	Ф.И.О.
9.	Қонун лойиҳасини жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасидан (семинарлар, давра суҳбатлари) ўтказиш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»</i> ги Қонуннинг 20-моддаси).	20__ йил ____	Ф.И.О.
10.	Қонун лойиҳаси ва у бўйича маълумотларни: ишлаб чиқувчининг расмий веб-сайтига жойлаштириш. Бунда қонун лойиҳасининг матни ва у бўйича маълумотлар билан танишиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тесқари алоқа механизмларни ўрнатиш; агар ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бўлса — Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталига жойлаштириш.	20__ йил ____	Ф.И.О.
11.	Қонун лойиҳасини якуний келишиш (виза қўйиш) учун юборишдан олдин манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти масъул ходими иштирокида моддама-модда кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш (<i>Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев томонидан 2015 йил 14 декабрда тасдиқланган (2015 йил 17 декабрь, чиқиш рақами ЭДО-01-12-19-20-сон) Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини ташиқл этилидаги фаолияти бўйича кенгайтирилган селектор йиғилишининг 114-сон баёни</i>).	20__ йил ____	Ишчи гуруҳи, манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари
12.	Қонун лойиҳасини ва у бўйича маълумотларни манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга келишиш (виза қўйиш) учун юбориш (<i>мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 88 — 102-бандлари. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»</i> ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ <i>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади</i>).	20__ йил ____	Ишлаб чиқувчининг раҳбарияти
13.	Зарурат бўлганда, қонун лойиҳасини такомиллаштириш, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг қонун лойиҳаси юзасидан эътирозлари бўйича келишмовчиликлар жадвалини тайёрлаш (<i>мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 99 ва 100-бандлари</i>).	20__ йил ____	Ф.И.О.
14.	Қонун лойиҳаси ва у бўйича маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юбориш (<i>«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»</i> ги Қонуннинг 22-моддаси).	20__ йил ____	Ишлаб чиқувчининг раҳбарияти

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
15.	Зарурат бўлганда, қонун лойиҳасини такомиллаштириш, қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг эътирозлари юзасидан келишмовчиликлар жадвалини тайёрлаш (қайта ишлаш) <i>(мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 99 ва 100-бандлари)</i> .	20__ йил ____	Ф.И.О.
16.	Қонун лойиҳаси ва у бўйича маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш <i>(«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг III-бўлими)</i> .	20__ йил ____	Ишлаб чиқувчининг раҳбари

».

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга
2-ИЛОВА

НАМУНА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасига
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро инт изомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сон қарори		
<i>3. Бош вазир котибияти, ахборот таҳлил департаментлари ва бошқа таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминлаш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва ижро инт изомини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига Аппарат Раҳбари лавозими киритилсин. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси аппарати Раҳбари мақомига кўра Бош вазир ўринбосарига тенглаштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.</i>	Ўз кучини йўқотмоқда	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбари лавозими тугатилиб, ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси лавозими киритилган. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг 2-банди билан Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ваколатлари белгиланган.

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p><i>Белгилансинки, Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича — тегишли равишда Бош вазирга ва унинг ўринбосарларига;</i></p> <p><i>ташкилый масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсундилар.</i></p> <p><i>Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари зиммасига: Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимлари ишларини мувофиқлаштириб бориш;</i></p> <p><i>Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятига ва Бош вазирга тақдим этиш;</i></p> <p><i>Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ва аппаратнинг таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилиши бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш;</i></p> <p><i>Бош вазир ўринбосарлари билан биргаликда тегишли аппаратнинг таркибий бўлинмаларига бош мутахассис ва етакчи мутахассис кадрларни танлаш;</i></p> <p><i>аппарат мутахассислари ва ходимларининг иш ва касб малакаси даражасини ошириш, уларни мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш масалалари юклансин.</i></p>		
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида низом</p>		
<p>4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда куйидагилар кўрсатилиши керак:</p> <p>а) тузилган вақти ва жойи;</p> <p>б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;</p>	<p>4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда куйидагилар кўрсатилиши керак:</p> <p>а) тузилган вақти ва жойи;</p> <p>б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;</p>	<p>Қўшимчалар қимматли қоғозларни олиб қўйишда ва кейинчалик уларнинг миқдори, турлари ва эмитент ҳақидаги маълумотлари бўйича низолаштириш имконияти бўлмаганда протоколни тўғри тузиш мақсадида киритилмоқда.</p>

Амалдаги таҳрир	Тақлиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>в) мол-мулк эгаси ва мол-мулки олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортга оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;</p> <p>г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;</p> <p>д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;</p> <p>е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;</p> <p>ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;</p> <p>з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (огирлиги, узунлиги ва бошқалар);</p> <p>и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳраб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.</p> <p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>в) мол-мулк эгаси ва мол-мулки олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортга оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;</p> <p>г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;</p> <p>д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;</p> <p>е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;</p> <p>ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;</p> <p>з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (огирлиги, узунлиги ва бошқалар). Қимматли қоғозларни олиб қўйишда олиб қўйилган қимматли қоғозларнинг умумий миқдори, уларнинг тури ва қимматли қоғозларнинг эмитенти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;</p> <p>и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳраб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.</p> <p>Ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисидаги протокол тўғри тузилганлиги, шунингдек унда ушбу бандда назарда тутилган барча маълумотлар кўрсатилиши учун жавобгар бўлади.</p>	<p>Қўшимчалар мулкни олиб қўйишни амалга оширувчи ваколатли идоралар мансабдор шахсларининг мулкни олиб қўйиш протоколини кейинчалик уларни амалга ошириш учун тўғри ва тўлиқ тузишининг жавобгарлигини ошириш мақсадида киритилмоқда.</p> <p>Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, мулкни олиб қўйиш протоколларида барча керакли маълумотлар, шу жумладан олиб қўйилган мулкнинг сифатига доир тавсифлар кўрсатилмапти, бу эса ўз навбатида мулкнинг алмашинуви ёки бошқача тарзда ўзгаришига ва шикастланиши учун шароит яратишга сабаб бўлмоқда.</p>
<p>6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқчилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт тайинлайди, ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.</p> <p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқчилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчини тайинлайди, ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.</p> <p>Мажбурий сертификатланиши керак бўлган (этил, озиқ-овқат спирти, алкоғолли маҳсулотлар, пиво, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт</p>	<p>«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот агарда у сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса сотиш тақиқланади.</p> <p>Агарда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот хавфсизлик талабларига мос келмаса у сотилиши мумкин эмас ва йўқ қилиниши лозим. Шунинг учун мулкнинг бирхиллаштириш талабларига мос келиши предметига</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>буюмлари, озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари бундан мустасно) ва улар бўйича мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлмаган олиб қўйилган маҳсулотлар бўйича ушбу маҳсулотни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан уни сертификатлаштириш ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатлаштириш органига буюртма-нома берилди.</p> <p>Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати қонун ҳужжатларида белгиланади.</p>	<p>қаратилган текширув мулкнинг давлат ҳисобига ўтказилиши ёки йўқ қилиниши ҳақидаги саволларни ҳал қилишдан олдин ўтказилиши лозим.</p> <p>Бунда олиб қўйилган маҳсулот сертификатлаштирилиши олиб бориладиган муддат қонунчиликда белгиланади.</p>
<p>24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадий, илмий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) диний ташкилотларга далолатнома бўйича бепул берилди.</p>	<p>24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадий, илмий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) кейинчалик далолатнома бўйича диний ташкилотларга текин бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига берилди.</p>	<p>Ўзгартиришлар кўрсатиб ўтилган предметларни кейинчалик диний ташкилотларга бериши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига йўналтириш мақсадида киритилмоқда.</p>
<p>60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.</p> <p>Бунда, агар сотилган мол-мулк қийматидан давлат органларининг махсус ҳисоб рақамларига чегиришлар амалга оширилган бўлса, у ҳолда қийматнинг тегишли суммаси ушбу органлар ҳисобидан тўланади.</p>	<p>60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.</p> <p>Чиқариб ташланмоқда</p>	<p>Қоплаш пропорционал олиб борилиши тўғрисидаги норма 59-бандда назарда тутилган.</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарори билан тасдиқланган Олимпия захиралари коллежлари тўғрисида низом</p>		
<p>7. Спорт захирасини тайёрлаш олиб борилаётган спорт турлари ҳамда олимпия захиралари коллежи ўқувчилари контингенти олимпия захиралари коллежи тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.</p> <p>Олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 600 нафар ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўғинлари бўйича — 300 нафардан.</p> <p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>7. Спорт захирасини тайёрлаш олиб борилаётган спорт турлари ҳамда олимпия захиралари коллежи ўқувчилари контингенти олимпия захиралари коллежи тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.</p> <p>Олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 600 нафар ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўғинлари бўйича — 300 нафардан.</p> <p>Тошкент шаҳридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захира-</p>	<p>Тошкент шаҳридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари коллежи умумий контингенти аниқ бир сон этиб шакллантирилишини аниқлаштириш мақсадида қўшимча киритилмоқда.</p>

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

«Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга
3-ИЛОВА

НАМУНА

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси юзасидан халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ*

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p><i>Германия Федератив Республикасининг Федерал вазирликларнинг Регламенти</i></p> <p>46-§. Лойиҳаларнинг ҳуқуқий ва тизимли экспертизаси</p> <p>(1) Лойиҳани Федерал Ҳукуматга юборишдан олдин, у Адлия вазирлигига ҳуқуқий ва тизимли экспертизадан ўтказилиши учун юборилиши лозим.</p> <p>....</p>	<p>18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш</p> <p>(учинчи қисм) Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лоийҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек</p>	<p>22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси</p> <p>(иккинчи қисм) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лоийҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати,</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентининг 28-бандига мувофиқ</p>

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Амалдаги таҳрир	Тақлиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Тўлдирилмоқда	шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади.	норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилгунга қадар уларни қабул қилиш зарурлиги асослари бўйича ёзма мулоҳазалар илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хулоса бериш учун юборилади. Шу боис, лойиҳаларнинг Федерал Ҳукуматга юборилишидан олдин Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборишга оид Германия қонунчилиги тажрибасини мазкур Қонуннинг 22-моддасига киритиш мақбул ҳисобланади.
<p>«Хитой Халқ Республикасининг қонунчилиги тўғрисида»ги Хитой Халқ Республикасининг Қонуни</p> <p>58-модда. Маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари устидан ишлаш чоғида тегишли органлар, ташкилотлар ва фуқароларнинг барча фикрларини эшитиш лозим. Фикрларни эшитиш учун давра суҳбатлари, мунозаралар, конференциялар ва бошқа шаклдаги муҳокамаларни ўтказиш мумкин.</p>	<p>16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш</p> <p>(иккинчи қисм) Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.</p> <p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш</p> <p>(иккинчи қисм) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.</p> <p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилади.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини уларни аҳолининг кенг қатлами вакиллари, шунингдек давлат органларининг мутахассислари ҳамда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш йўли билан амалга ошириш лозим.</p> <p>Шу боис, қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа-</p>

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
		<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар муҳокамаси тегишли тармоқлар мутахассислари иштирокида ўтказилади.</p> <p>.....</p>	<p>ларини жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасидан ўтказишни очиб бериш тўғрисидаги Хитой Халқ Республикасининг мазкур тажрибасини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.</p> <p>Бунда муҳокама шаклини унинг тури кўп бўлганлиги сабабли қонун лойиҳасида кўрсатмаслик мақсадга мувофиқ.</p>

* Ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни (уларнинг қисмларини) ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда.

_____ (ишлаб чиқувчи раҳбарининг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____».

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
4-ИЛОВА

«Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга
4-ИЛОВА

НАМУНА

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ*

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p><i>«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Корея Республикасининг Қонуни</i></p> <p>5-модда. Электрон ҳукумат учун ўрта муддатли ва узоқ муддатли бош режаларни қабул қилиш.</p> <p>Маъмурий ишлар учун масъул ҳар бир марказий орган раҳбари электрон ҳукумат учун Миллий ахборотлаштириш тўғрисидаги Ҳадли Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Ахборотлаштириш миллий стратегияси қўмитаси томонидан</p>	<p>16-модда. Давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатлари.</p> <p>Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:</p> <p>электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларига ва бошқа дастурларга узвий боғлиқ ҳолда ахборот тизимларини, ахборот ресурс-</p>	<p>Давлат органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёни мунтазам ҳисобланади ва уларни сифати ва умуман самарадорлигини такомиллаштириш мақсадида доимий мониторингни олиб боришни талаб қилади.</p> <p>Давлат органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тенденциясини доимий равишда ҳисобга олиши, чуқур таҳлил ўтказиши, шунингдек ўз фаолияти соҳасидаги электрон ҳукуматни такомиллаштириши зарур.</p> <p>Давлат органлари томонидан кўрсатилаётган</p>

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>қайта кўриб чиқиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда электрон ҳукуматни амалга ошириш, унинг фаолият юритиши ва ривожланишини ўз ичига олган ўрта муддатли ва узоқ муддатли бош режани қабул қилиши керак.</p>	<p>лари ва тармоқларини ривожлантиришнинг идоравий режаларини (дастурларини) ишлаб чиқади;</p>	<p>хизматлар соҳасидаги электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича идоравий режаларни қабул қилиш шундай чора-тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.</p> <p>Шунга асосан, мазкур масала юзасидан Корея тажрибасига таяниш ва уни қонун лойиҳасида акс эттириш мақсадга мувофиқ.</p>
<p>«Давлат хизматлари ва муниципал хизматлар кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида»ги Россия Федерациясининг Қонуни</p> <p>10-модда. Давлат хизматлари ва муниципал хизматларни электрон шаклда кўрсатишни ташкил этиш талаблари.</p> <p>Давлат ва муниципал хизматларни электрон шаклда кўрсатишда:</p> <p>1) ариза берувчиларга белгиланган тартибда маълумот тақдим қилиш ва уларга давлат ва муниципал хизматлар ҳақидаги маълумотларга киришни таъминлаш.</p> <p>.....</p> <p>5) агар федерал қонунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, тақдим этилган давлат ёки муниципал хизматнинг натижасини ариза берувчи томонидан олиш.</p> <p>.....</p>	<p>20-модда. Электрон давлат хизматларига доир талаблар.</p> <p>Ахборот давлат хизматлари тўлиқ ва ишончли ахборотни ўз ичига олиши керак.</p> <p>Интерактив давлат хизматлари:</p> <p>.....</p> <p>шахсга доир маълумотларга ишлов беришни назарда тутувчи хизматлардан ариза берувчиларнинг хавфсиз фойдаланишини таъминлаши;</p> <p>.....</p> <p>сўров юбориш ва электрон давлат хизматининг натижасини олиш имкониятини таъминлаши;</p> <p>.....</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунига асосан ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.</p> <p>Ахборот хавфсизлигини таъминлаш электрон ҳукуматнинг принципларидан бири ҳисобланади.</p> <p>Мазкур масалани ахборот хавфсизлигини таъминлаш принципи орқали кўриб чиқишда, интерактив давлат хизматлари ариза берувчиларни хизматлардан хавфсиз фойдаланишни таъминлашларини таъкидлаш жоиз.</p> <p>Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгалар. Мурожаатга жавоб давлат органининг раҳбари ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланади.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунига кўра ахборотдан фойдаланувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш ва тарқатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг</p>

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
		<p>фаолияти тўғрисида ахборотни олиш учун бево-сита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Шунга асосан, мазкур масала юзасидан Россия Федерациясининг тажрибасига таяниш ва уни қонун лойиҳасида акс эттириш мақсадга мувофиқ.</p>

* Бутун (янги) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда.

_____»
(ишлаб чиқувчи раҳбарининг лавозими)

_____»
(имзо)

_____»
(Ф.И.О.)

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга
5-ИЛОВА

«Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга
5-ИЛОВА

НАМУНА

**Вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги
қарори лойиҳасига берилган таклиф ва эътирозлари бўйича
КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ЖАДВАЛИ**

Таклиф этиладиган таҳрир	Манфаатдор органларнинг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида намунавий низом		
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси		
33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари ҳолатлари кўрсатилиши мумкин.	«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар хулосанинг мажбурий элементларига дахлдордир, Намунавий регламентнинг 33-бандидаги «ҳолатлар» сўзини чиқариб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз.	Қабул қилинди. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилди: «33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин».

Таклиф этилаётган таҳрир	Манфаатдор органларнинг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги		
<p>33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шaroитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари ҳолатлари кўрсатилиши мумкин.</p>	<p>Намунавий низомнинг 33-банди қуйидаги таҳрирда баён қилиниши таклиф қилинади:</p> <p>«33. Ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига кўмаклашувчи ҳолатлар, сабаблар ва шaroитлар, шунингдек эксперт хулосасида ўз аксини топмаган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича ташкилий-техникавий тавсиялар экспертнинг алоҳида маълумотномаси экспертнинг хулосасига илова қилиниши мумкин».</p>	<p>Қабул қилинмади.</p> <p>«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида эксперт хулосасининг тузилиши тартиби белгиланган. Мазкур модданинг учинчи қисми хулосасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шaroитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунга ўхшаш норма Жиноят-процессуал кодекси 184-моддасининг учинчи қисмида ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 299¹-моддасида берилган.</p> <p>Шу билан биргаликда қайд қилиб ўтиш лозимки, экспертнинг алоҳида маълумотномаси процессуал ҳужжат ҳисобланмайди, бу эса ўз навбатида иш юзасидан далил бўлиб ҳисобланмаслигини билдиради.</p>
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом		
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги		
<p>18. (Биринчи хатбоши) Мажлис давомида Комиссия ўзининг кўриб чиқиши учун тақдим этилган материалларни ўрганади, аттестация қилинувчига суд-экспертнинг фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд экспертизасининг назарий асослари, аниқ эксперт мутахассислиги бўйича саволларга жавоб беришни таклиф қилади, шундан кейин унинг махсус билимлари даражасини баҳолайди.</p>	<p>18-банд «амалий» сўзидан сўнг «назарий» сўзлари билан тўлдирилсин.</p>	<p>Қисман қабул қилинди.</p> <p>Суд экспертизасининг амалий асослари мавжуд бўлмаганлиги сабабли «назарий асослар» сўзлари «назарий асослар ва амалий масалалар» сўзлари билан алмаштирилган.</p>

_____ (ишлаб чиқувчи раҳбарининг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

».